Ёш авлодда юксак аҳлоқийлик мезонларини юксалтириш

А.С.Ропиев ЖДПИ “Тарих ва уни ўқитиш методикаси” кафедраси ўқитувчиси

Аннотация. Мақолада глобаллашув шароитида аҳолининг кенг қатламларида, айниқса ёшларда миллий ғояга содиқлик, ватанпарварлик туйғуларини, юксак маънавий-ахлоқий қарашларни тарбиялашнинг, уларда мафкуравий-маънавий иммунитетни шакллантиришнинг долзарблиги ифодаланган.

Калит сўзлар: Аҳлоқ, мафкуравий-маънавий иммунитет, шарқона аҳлоқ, соғлом авлод,илм-маърифат, аҳлоқий фазилатлар.

Аннотации: В статье подчеркивается актуальность воспитания верности национальной идее, патриотизма, высоких духовно-нравственных воззрений, формирования идеологического и духовного иммунитета у широкого круга людей, особенно молодежи, в условиях глобализации.

Ключевые слова: нравственность, идейный и духовный иммунитет, восточная мораль, здоровое поколение, наука и просвещение, нравственные качества.

Annotation: The article expresses the urgency of cultivating loyalty to the national idea, patriotism, high spiritual and moral views, the formation of ideological and spiritual immunity in a wide range of people, especially young people, in the context of globalization.

Keywords: Morality, ideological and spiritual immunity, oriental morality, healthy generation, science and enlightenment, moral qualities.

Бугун маънавият ва ёшларнинг аҳлоқий тарбияси хақида сўз борар экан, бу ҳақдаги билимларимизни такомиллаштириш, дунёқарашимизни кенгайтириш ҳамда ёшларни ана шу йўлда бирлаштириш, камол топтиришда миллий ғоя хусусида тўхталиш муҳимдир. Чунки тараққиёт ва техника асри деб аталмиш XXI аср ёшлари қалбида маънавий бойлик, комил инсон

даражасига эришиш, юрт-у халққа садоқат хамда мухаббат туйғуларини шакллантришдек эзгу мақсад ётади. Фахрланарли томони шундаки, бундай муқаддас тушунчалар юртимизда амалга оширилаётган янгиланиш ва бунёдкорлик ишлари билан уйғунлашиб бормоқда. Фан, таълим ва маданият ишларини жонлантиришдан кўзланган ягона мақсад - баркамол, соғлом авлодни тарбиялашга қаратилганлиги янада қувонарлидир. Камолотга эришган, ҳар томонлама ривожланган авлодни тарбиялаш жараёни унинг доимий, мунтазам изчил ва бир тизимга кирган шаклда бўлишини тақозо этади. Бу йўлда таълим муассасаларида таълим жараёнини такомиллаштириш, профессионал фанлар сингари ғоявий мазмуни талабаларга янги жамиятнинг ҳар бир мутахассисига зарур бўлган ижтимоий дунёқарашни шакллантирувчи, тасаввурлар заҳирасини ҳосил қилиши лозим бўлган ижтимоий гуманитар фанларни ўқитишга янгича ёндошув асосида аҳлоқ малакаларини ҳосил қилиш мумкин. Инсон аҳлоқий фазилатлари самараси борасидаги билдирилган фикрлардан шуни англаш мумкинки, ташқи оламнинг гўзаллиги - инсон ички оламининг гўзаллиги самарасидир, ташқи оламнинг вайронлиги - инсон ички оламининг хунуклигидир. Бу борадаги инсоннинг эзги фазилатларини рўёбга чиқариш борасидаги ёш авлоднинг таълим - тарбия жараёнлари узлуксизлиги амалда кенг йўлга қўйилганлигини ижобий ишлардан деб баҳолаш мумкин.

Айни пайтда яна ва яна глобал кўламларда айнан ёшлар тарбиясида ечимини кутаётган муаммолар мавжудлигини тан олишимиз, эътироф этишимиз керак. Ўзи ва ўзгаларнинг тақдирига, келажагига бефарқлик, шафқатсизлик, ишёқмаслик, ҳалол меҳнатдан бўйин товлаш, аҳлоқсизлик, енгил-елпи ва бошқалар ҳисобига кун кечириш, гиёҳвандлик, ўғирлик, жиноятчи гуруҳлар, экстремистлар ва террористлар фаолиятида иштирок этиш ҳам жамиятнинг айнан навқирон ёшдаги аъзоларини ўз домига тортаётгани сир эмас. Илм ўрганиш, маълумот олиш учун шароит яратиб бераётган ахборот технологиялари, жумладан, интернет ҳам муаммолар манбаига айланиб бораётганини таъкидлаш зарур.

Навоий ҳазратлари ўз мисраларида:

Илмни ким воситаи жоҳ этар,
Ўзинию халқни гумроҳ этар

дея илмни ноинсоний йўлда ишлатувчи кимсалар нафақат ўзини, балки халқни – бошқаларни ҳам сарсон қилишидан бизни огоҳ этади. Ана шу маънода бугунги мафкура полигонларидаги мухолифларимизнинг инсоний жиҳатлари, маърифати ва маънавияти борасида ҳар қанча баҳслашишимиз мумкин-у, бироқ уларни ёппасига “ўқимаган, илмсиз ва оми” деб ўйласак, қаттиқ янглишамиз.

Мафкура соҳасида бўшлиқ деган нарсанинг ўзи ҳеч қачон бўлмайди. Чунки инсоннинг қалби, мияси, онгу тафаккури ҳеч қачон ахборот олишдан, фикрлашдан, таъсирланишдан тўхтамайди. Демак, унга доимо маънавий озиқ керак. Агар шу озиқни ўзи яшаётган муҳитдан олмаса ёки бу муҳит уни қониқтирмаса, нима бўлиши аёнки, бундай озиқни у аста-секин бошқа ёқдан излайди. Шунга йўл бермаслигимиз лозим ҳисобланади.

Мустақил юртимизда юритилаётган, эртанги кун эгаларини ҳар жиҳатдан камолга етказиш сиёсати замирида ҳам айнан мана шу ҳаёт ҳақиқати – бугунги дунёнинг долзарб талаблари турибди. Зеро, мустақил ҳаётга кириб келаётган, куч-ғайратга тўла ва орзулари бепоён ёшларга айни паллаларда амалий ёрдам, тўғри йўл-йўриқ кўрсатиш – ўзининг эртанги кунига, фарзандлари тақдирига бефарқ бўлмаган халқнинг энг муҳим вазифаси, буюк келажак учун бунёд этадиган мустаҳкам пойдевори ҳисобланади.

Аллома Абулбаракот Қодирий тарбия масаласида кишиларни уч тоифага бўлади: “Биринчи – ҳануз оқ-қорани танимаган бола. Унинг табиати ҳали ёмонлик ғубори билан булғанмаган, юраги эса, ботил ишлар зулмати билан қораймаган бўлади. Бундай болага насиҳат тез таъсир қилади. Бундай болани тўғри йўлга осонлик билан солиш мумкин.

Иккинчиси – оқ билан қорани ажратадиган бўлиб қолган бола. Улардан баъзилари ўз нафсининг ғалабаси билан яхши томонга бурила олмай юрган

бўлади. Нуқсонларини эса эътироф этади. Бундай одамни тарбиялаш биринчисига нисбатан қийин, аммо уни доимий назорат қилиб, ҳар хил насиҳатлар ва танбеҳлар бериб борилса, албатта, яхши йўлга кириб кетади.

Учинчиси – оилада ботил ҳаёл ва фосид фикрлар билан улғайган киши. У умри бўйи ноҳақ ишларни ҳақ деб билиб келган ва шунга астойдил эътиқод қўйган киши бўлади. Ёмонлик қилса ҳам, уни ўзича яхшилик деб ўйлайди. Бундай кишини тарбия қилиш жуда оғир. Унинг тарбиясига киришиш – тирноқ билан қудуқ қазиш ёки ҳали қизиб чўққа айланмаган темирни қуруқ қўл билан боғлашга баробар".

Бу ҳақда фикр юритганда, бизнинг улуғ аждодларимиз ўз даврида комил инсон ҳақида бутун бир аҳлоқий мезонлар мажмуини, замонавий тилда айтганда, шарқона аҳлоқ кодексини ишлаб чиққанларини эслаш ўринлидир. Ота – боболаримизнинг онгу тафаккурида асрлар, минг йиллар давомида шаклланиб, сайқал топган ор-номус, уят ва андиша, шарм-ҳаё, ибо ва иффат каби юксак аҳлоқий туйғу ва тушунчалар бу кодекснинг асосий маъно мазмунини ташкил этади.

Адабиётлар.

1.Муҳаммад Амин Яҳё. Интернетдаги таҳдидлардан ҳимоя. "Мовароуннаҳр" нашриёти. 2016.
2.Меликўзиев Ж. Ҳалокат тузоғи.-Т. :Тошкент ислом уневерситети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010.
3. "Адолат" ижтимоий сиёсий газета 2020.18 сон.